

## I ТРИМЕСТР ҲОМИЛАДОРЛАРДА ЎТКИР АППЕНДИЦИТНИ ТАШХИСЛАШ

Касимова С.А.

Андижон давлат тибиёт институти

**Муаммони долзарбилиги.** Ҳомиладор аёлларда ўткир аппендицитнинг тарқалиши 0,075% ва 0,18% деб юритилади. Шуни таъкидлаш керакки, кичикроқ тадқиқотлар кўпинча юқори фоизларни кўрсатади. Бу XX асрнинг иккинчи ярмида кенг қамровли тадқиқотларнинг етишмаслиги, нима учун шифокорлар ҳомиладор аёлларда айниқса ўткир аппендицит ривожланиш хавфи бор деб тахмин қилишганини асослаб беради. Бироқ, ушбу жараёнлар авжига чиқадиган учинчى триместрда бу касаллик энг кам ривожланиб, унинг тарқалиши умумий аҳолига қараганда паст, аксинча, ҳомиладорликнинг иккинчи триместрда кўпроқ ривожланишини кўрсатади. Шу билан бирга, Abgottspor D. ва унинг 7037 386 ҳомиладор аёлларнинг устида ўтказган изчил изланишлари давомида ушбу патологиялар 7114 ҳолатда аниқланган ва бу кўрсаткич 0,101% ни ташкил этган.

**Клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуслари.** Асосий гурухда 32 нафар (35,5%), қиёсий гурухда 12 нафар (26,6%) бемор ҳомиладорликнинг I триместрида (1-13 хафта) ўткир аппендицит ташхиси билан даволанган. Ҳомиладорлар ёши 18-34 ёшни ташкил этган (ўртача  $22,0 \pm 0,6$  ёш,  $M_e=22$  ёш). Шикоятлар бошланиши билан госпитализация орасидаги муддат 2-8 соат ( $M_e=4$  соат).

Қўриниб турибдики, ҳомиладорликнинг I триместрида асосий гурухда хам (71,8%), қиёсий гурухда хам (75%) аксарият холда ўткир аппендицитнинг катарал тури учраган, деструктив ўткир аппендицит асосий гурухда 21,8%, қиёсий гурухда 25% холатларда кузатилган.

Иккала гурухда хам bemорлар шикоятлари эпигастрал, ўнг қовурға ости, ўнг ёнбош ва қориннинг пастки соҳаларидағи оғриқка бўлган. Асосий гурухда 25 нафар (68,7%) bemорда оғриқ эпигастрал соҳада бошланиб, аста-секин сурилиб ўнг ёнбош соҳага кўчган. Булардан 22 тасида ўнг ёнбош ва қорин пастки соҳаларида мушаклар таранглашиши кузатилган. Юрданда оғриқ кучайиши катарал аппендицитда 7 нафарида (30,4%), деструктив аппендицитда 5 нафарида (85,7%) бўлган.

Асосий гурухда ҳомиладорликнинг I триместрида ўткир аппендицитнинг барча турларида энг кўп учраган белги Кохер-Волкович симптоми бўлган (78,1%). Шунингдек, яллиғланган чувалчангсимон ўсимтани силжиши ва эзилиши натижасида келиб чиқадиган белгилар: Ситковский (71,8%), Бартомье-Михельсон (71,8%), Ровсинг (78,1%), Раздольский (78,1%), Черёмский (75%), Ларош (68,7%), Барадулин (68,7%), Брендо (62,5%), Шёткин-Блюмберг (56,2%), Ризван (56,2%), Грегори (46,8%) белгилари кузатилди.

Қиёсий гурухдаги bemорларда хам Кохер-Волкович симптоми, кўп учраган белги сифатида эътироф этилди – 75% холатда кузатилди. Ровсинг (83,3%), Раздольский (83,3%), Черёмский (83,3%), Ситковский (75%), Бартомье-Михельсон (75%), Шёткин-Блюмберг (75%), Барадулин (66,6%), Брендо (50%), Ризван (50%), Ларош (50%), Грегори (50%) белгилари нисбатан камроқ кузатилди.

Ўткир аппендицитнинг флегмоноз ва гангреноз турларида иккала гурух bemорларида Шёткин-Блюмберг, Ситковский, Бартомье-Михельсон, Черёмский, Ровсинг, хамда Раздольский белгилари барча холатларда кузатилди. Айтиб ўтиш жоизки, бу белгиларнинг хеч қайси бири патогномоник деб хисоблана олмайди ва уларнинг диагностик қиймати фақатгина бошқа кўрсаткичлар (лаборатор ва параклиник) билан аҳамиятли саналиши мумкин.

Тадқиқотдаги ҳомиладорликнинг I триместридаги bemорларда кўйидаги параклиник белгилар кузатилган: тахикардия, кўнгил айниши ва қайт қилиш, тана хароратини ошиши. Асосий гурухда ушбу белгилар 80,1% холатларда, қиёсий гурухда – 83,3% холатларда кузатилди. Бироқ, токсикоз фонида, ушбу белгилар ҳомиладорларда ўткир аппендицит холати бўлмагандан хам қайд этилади.

Тадқиқтаги беморларда асосий гуруҳда  $12,0 \times 10^9/\text{л}$  гача бўлган лейкоцитоз кўпроқ ўткир аппендицитнинг катарал шаклида (60,8%), деструктив турида эса атиги 42,8% кузатилган. Қиёсий гуруҳда бу тафовут янада катта – катарал аппендицитда бу кўрсаткич 88,8% холатларда қайд этилган. Иккала гуруҳда хам  $>12,0 \times 10^9/\text{л}$  ортиқ лейкоцитоз деструктив аппендицитда кўпроқ учраган: асосий гуруҳда (57,1%), қиёсий гуруҳда 100% холатларда.

Хомиладорликнинг I триместрида клиник, параклиник ва лаборатор тадқиқотларга таянган холда асосий гуруҳда 58,7%, қиёсий гуруҳда 63,2% кузатувларда ўткир аппендицит ташхисини ўрнатишга эришилди.

Диагностик алгоритмнинг иккинчи босқичи сифатида асосий гуруҳдаги барча беморларга УТ текшируви ўтказилган.

УТТ ёрдамида 12 нафар (37,5%) беморда ўткир аппендицит белгиларини аниқлашга эришилди, улардан 7 нафарида катарал, 5 нафарида деструктив турдаги аппендицит ташхисланди.

УТТда диаметри 6 мм дан каттароқчувалчангсимон ўсимта аксарият холларда ўткир аппендицитнинг деструктив шаклида кузатилади (60%), катарал шаклида эса фақат 28,5%ни ташкил этган.

Чувалчангсимон ўсимтанинг диаметрига нисбатан ишончлироқ белги деб ўсимта деворларини қалинлигини олиш мумкин. Аппендицитнинг катарал шаклида хам (71,4%), деструктив шаклида хам (100%) аксарият кузатувларда унинг қалинлиги 2 мм дан ортиқ бўлган. Шундай қилиб айтиш мумкинки, ҳомиладорликнинг I триместрида ўткир аппендицитни ташхислашдаги аҳамиятли УТ-белги бу ўсимтанинг деворларининг қалинлигидир. Ўткир аппендицитнинг нисбий УТ-белгилари эса патогномоник деб хисоблана олмайди, негаки қорин бўшлиғи аъзоларининг бошқа касалликларида хам кузатилиши мумкин. Бемор семизлиги, метеоризм, гипогастрый соҳасидаги чандиқлар хам ўз навбатида УТТ имкониятларини чеклаб қўяди.

Хомиладорликнинг 1 триместрида ўткир аппендицитга гумон қилинган ва 2-4 соат ичидаги клиник, лаборатор ва УТТ текшируви билан ташхисга аниқлик киритиш имкони бўлмаган 10 нафар ҳомиладор аёлга диагностик лапароскопия ўтказилган.

Хомиладорликнинг 1 триместрида операцион кириш ўрта чизикда киндиқдан 2 см пастроқдан (Олим нуқтаси) 10 мм диаметрли троакар ёрдамида амалга оширилган. Пневмоперитонеум хосил қилиш учун  $\text{CO}_2$  дақиқасига 9-10 литр юборилган (8-10 мм сим. уст.). Уч нафар беморда чувалчангсимон ўсимтани ўнг ёнбош чукурчадан ажратиш учун манипулятор қўлланилган.

Лапароскопик текширувда барча беморларда чувалчангсимон ўсимта, ичак, бачадон ва тухумдонларни кўриш ва баҳолашга эришилди. Диагностик лапароскопия ўртача 20-30 дақиқа давом этган. Бевосита муолажа давомида ва ташрихдан кейинги даврда асоратлар кузатилмади. Ўткир аппендицитнинг бевосита белгилари 12та, билвосита белгилари 5 нафарда аниқланди. Бир қатор беморда бир нечта белги аниқланган.